



Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Сенинг дунёга қараган деразанг кир бўлса, албатта менинг боғимдаги гулларим ҳам хунук кўринади. Жалолiddин РУМИЙ.

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati

2021 йил 23 февраль, сешанба

№ 16 (24509)

МАМЛАКАТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ “ЧИМЁН” МЕДИАФОРУМИДА

22-27 февраль кунлари вилоятнинг сўлим сихатгоҳида анъанавий “ЧИМЁН-2021” медиафоруми бўлиб ўтади

ЖАРАЁН

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий “Чимён” медиафорумида илгари суриладиган эзгу ташаббуслар мамлакатимиз ОАВлари мазмун-мундарижасини бойитиш, ижодий фаолиятга янги анъана ва тенденцияларни кенг татбиқ этиш сингари жиҳатлари билан гоёта аҳамиятлидир.

Анъанавий медиафорумнинг бу галги ижодий мулоқотларида иштирок этиш учун республика ОАВ бош муҳаррирлари, Қорақалпоғистон Республикаси, мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан вакиллар таклиф этилган. “Чимён-2021” медиафоруми дастурига кўра, иштирокчилар дастлаб Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар маркази фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Марказда ёшларга ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик асосларини ўргатиш, компьютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва киберспорт йўналишларида замонавий шарт-шароитлар муҳайё этилган. Баркамол авлод вакиллари билан юзма-юз суҳбатда журналистлар келажакимиз ворислари эришаётган ютуқларни юксак эътироф этишди.

Ипакчилар шаҳри Марғилонда қад рогланган Хунармандлар марказида 400 дан ортққ иш ўринлари яратилган бўлиб, атлас, ипаки адрас, сатин, шойи, аъло бахмал каби унлаб турдаги табиий ипак матолар МДХ давлатлари, Осиеъ ва Европа қитъасига экспорт қилинмоқда. Ота-боболардан мерос анъанани изчил давом эттираётган моҳир хунарманд, Олий Махлис Сенати аъзоси Иброҳимжон Султон меҳмонларни марказ фаолияти билан батафсил таништирди.

Медиафорум иштирокчилари Фарғона шаҳридаги тошдан қоғоз ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Fergana stone paper” корхонасига ташриф буюришди. Тадбиркор Абдурахмон Ниёзов журналистларга Хитой технологияси



асосида йилига 9 минг тонна қоғоз ишлаб чиқариш қувватига эга истиқболли бизнес-лойиҳа хусусида маълумот берди.

— Шу йилнинг 4-5 февраль кунлари Президентимиз Фарғона вилоятга ташрифи давомида мазкур корхонада бўлиб, корхона синов режимиде ишга туширилганидан ОАВ орқали хабардор бўлган эдик, — дейди “Шовот истиқболи” (Хоразм вилояти) газетаси бош муҳаррири Махбира Абдалова. — Бугун корхона фаолияти билан яқиндан танишиб, тадбиркорларимиз шу каби ноёб лойиҳаларни ҳеч иккиланмай ҳаётга татбиқ этаётганидан қалбим ғурур ва ифтихорга тўлди.

Миллий матбуотимиз раванқ-ривожини таъминлашда Фарғона журналистикаси, бир асрдан зиёд тарихга эга “Фарғона ҳақиқати” газетасининг

ўз ўрни бор. Ҳозирги кунда ўзига хос таъриб мактаби яратилган таҳририят ижодий жамоаси эзгу анъаналарни изчиллик билан давом эттирмоқда.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган ҳамкасблар таҳририят фаолияти билан танишиб, ижодий ютуқлар, замонавий қўлайликларга ҳавас қилишди.

— Газета адабидининг юқорилиги, босма нашр билан бирга унинг электрон нусхаларини ривожлантиришга ҳам ижодий эътибор қаратилгани эътиборга лойиқ, — дейди “Қоровулбозор тонги” газетаси (Бухоро вилояти) бош муҳаррири Баҳром Солиев. — Таҳририятнинг моддий-техник базаси, ижодий ходимларга яратилган шарт-шароитларга ҳам гап йўқ. Бундай ҳолатни одатда хоржий ОАВ фаолиятида кузатар эдик. Таҳририят жамоаси ва

муассис — Фарғона вилояти ҳокимлиги ўртасидаги самимий ҳамкорлик намуна сифатида кўрсатишга арзийди.

Ўз навбатида медиафорум қатнашчилари Фарғона туманининг Лоғон қишлоғида ташкил этилган саноат корхоналарида бўлиб, қишлоққа саноатни олиб кириш, тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Шунингдек, меҳмонлар учун Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор масканлари бўйлаб саҳнат ташкил этилди.

Ботир МАДИЁРОВ.

Брифинг



НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

Шу йилнинг 20 февраль куни Фарғона вилояти ҳокимлиги кичик мажлислар залида республика ва маҳаллий ОАВ вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Брифингда таъкидлаб ўтилганидек, жорий йилнинг 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига ташриф буюрган Президентимиз Шавкат Мирзиёев маҳаллалар, айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли вакиллари учун муносиб турмуш шароити яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада секторлар раҳбарлари масъулиятини янада ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилиб, ноқонуний қурилишлар ва ушбу масала билан боғлиқ камчилик ва муаммоларни бартараф этиш вазифаси топширилди.

— Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида Фарғона шаҳридаги “Шодиёна” МФЙда бўлиб, барчамиз эътибор қаратишимиз керак бўлган камчиликларни кўрсатиб берди, — деди Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари Дилшоджон Дилшоджонмедов. — Шу асосда бугунги кунда вилоят ҳокими бошчилигида Фарғона шаҳри, вилоятимизнинг барча шаҳар-туманларида аҳоли яшаш манзилларидаги мавжуд ҳудудларни, ноқонуний қурилиш ишларига барҳам бериш, замонавий болалар майдончалари, дам олиш ва хордиқ масканлари барпо этиш чоралари қўрилмоқда.

Айни жараёнда вилоят ҳокимлиги ҳузурда вилоят ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, барча шаҳар-туманлар бош режаси асосида ҳудудларни ободонлаштириш, кенгайтириш ишлари олиб бориляпти. Вилоят ишчи гуруҳи томонидан қонуний асосга эга бўлмаган баъзи қарорларни бекор қилиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига етказилган зарарларни бартараф этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Брифингда иштирок этган Фарғона шаҳар ҳокими Мирзохид Убайдуллоев бундан буён кўп қаватли уйлар атрофида қурилиш ишларини амалга оширишга рўхсат этилмаслиги, ноқонуний қурилишлар тўхтатилиб, бузилган болалар майдончалари қайта тикланиши, кесилган дарахтлар ўрнига янгилари экилишини таъкидлаб ўтди.

Фарғона шаҳар прокурори Дилмурод Қобуловнинг қайд этишича, ноқонуний қурилиш ишларини бартараф этишда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам инобатга олинади. Ўз навбатида ҳар бир ноқонуний қарор ва ҳолат бўйича тегишли тартибда муносабат билдирилади.

Брифингда бу борада бошланган эзгу ташаббусларни тўлиқ рўёбга чиқаришда ОАВ билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз муҳбиримиз. Суратни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Охириги пайтларда Фарғонада кўп қаватли уйлар ҳовлилари ўртасига янги объект қуриш урф бўлиб кетди. “Бўлаверадиди” қабилида зичлаштириб қуриш маҳаллий аҳолининг ҳаёт шарт-шароитларини ёмонлашувига олиб келади, муҳими, бу, амалдаги қурилиш ва санитария қондалари ва меъёрларига зиддир. Боз устига аввал режа асосида қурилган уйлар ўртасига янги бинонинг “ёпиштириб” қўйилиши уйғунликка путур етказяпти. Аслида, режага асосан қурилган уй-жойларда ҳар қандай қурилиш ман этилган. Шундай бўлса-да, хусусий қурилиш ташкилотлари ўз фойдасини деб, соясалқин берадиган дарахтларни ҳам, болаларнинг эпиллик ва чаққонлик каби жисмоний фазилатларини ривожлантиришга қўмаклашадиган ўйин майдончаларини ҳам аямай, лойиҳаларини амалга ошириш ҳаракатида.

Бундай номаъқулчиликни шаҳарнинг деярли барча мавзеларида кузатиш мумкин эди.

ЗИЧЛАШТИРИБ ҚУРИШ — ҚОНУНГА ХИЛОФ

аҳолининг бефарқ бўлмаган вакиллари қурилишдан норози бўлиб, турли идораларга мурожаат қилишди. Натижада, қурилиш тўхтатилди. — Қачонлардир ҳовлимизда мўъжаз сузиш ҳавзаси бўлган, энди пойдевор чуқури кўмилиб ташланганидан сўнг унинг ўрнида болалар майдончаси қурилар экан, — дейди 58-уйда яшовчи Наталья Ахмаджонова хурсандчилигини яшира олмай. — Биз эса ҳашар эълон қилиб, ҳовлимизни ободонлаштириш ниятдамыз.

“Алишер Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини, Ойбек кўчасидаги ланг очилган китобни эслатадиган, бир-бирига қўшилиб кетган учта беш қаватли уй ҳовлисида ҳам зичлаштириб кўп қаватли уй барпо этилаётди. Қурувчилар берилган саволларга истамайгина жавоб беришди. Объект шундоққина болалар майдончасида қад

кўтаряпти, ваҳоланки, улар орасида кам деганда 12 метр масофа қолдирилиши лозим эди. Лекин хайратга солган нарс бошқа — ҳовлимиз нақадар ифлослиги, тартибсизлиги бўлди. Нима, қурилиш кетаётган бўлса, тозалаш ишларини тўхтатиш керакми?

Бу хунук манзарани кўриб: маҳалла раисининг ҳафтада бир марта ҳудудни айланиб чиқадиган одати бўлганда, бундай расвогарчилик бўлмасмиди, дейсан. Кези келганда, маҳаллий аҳолининг ўзи яшаб турган жойидаги тозалликка шунчалар бефарқ бўлмаслиги заруригини ҳам қайд этиш лозим.

“Маърифат” маҳалла фуқаролар йиғинидаги қурилиш ҳам хайратлангирмай қўймайди. Тасаввур қилинг: иккита кўп қаватли уй ўртасида “Олтириқ фазиз” МЧҚ қурувчилари янги уй-жой қуришга шайланганлар. Қурилиш майдонида вилоят ишчи



гуруҳи аъзолари, маҳалла раиси ҳамда қурилишга қарши фуқаролардан Шерали Юлдашев ва Баҳромжон Мамажоновлар бор эди.

— Қаранг, — дейди вилоят ишчи гуруҳи аъзоси Муҳаббатхон Кошева, — янги бино қурилиб битган тақдирда, йўлакларни ҳисобга олганда уйлар ўртасида масофа қолмасди. Бундан ташқари, у аввал қурилган уйларни тўсиб, шамоллатишни истисно этиши аниқ.

— Қурилишдан норози фуқаролар менга бир ой аввал мурожаат қилишган эди, — дейди “Маърифат” МФЙ раиси Сиддик Хамроқулов. — Аммо, шаҳар ҳокимининг қарорига қарши нима ҳам қила олардик... Мана, маҳалламизнинг яна иккита жойида 77 ва 77 “а” уйлари олдида ҳам зичлаштириб, янги биналар қурилиши бошланган.

— Шаҳримизнинг Юқсалиш кўчасида, Аҳмад ал-Фарғоний кўчасининг 14 “а” уйи олдида ҳам бор, — қўшиб қўяди кимдир.

— Опа, — деб мурожаат қилади бешинчи қаватдаги хонадон соҳибаси Гулнора Холдорова дераздан қараб. — Ёш болам бор, ташқарига чиқа олмайман. Ҳовлимизда фарзандларим, кўшиларим фарзандлари яйраб ўйнаган майдонча бор эди. Уни бузишиб, ўрнида нақ рўпарамизда янги уй қуришмоқчи. Менинг тўртта ёш болам энди қаерда ўйнасин? Ёзининг жазирама кунлари димқиқиб қолмаймизми?

Тадбиркор Ш.Неъматовга автотроном депарасида ер ажратиладиган бўлиб, “Гулзор” маҳалласидаги уй-жой қурилишини тўхтатиб қўйган. Айбдорлар кесилган дарахтлар ўрнига янги кўчатлар экишадиган бўлишди. Бу тадбиркордан фарқи ўларок, Маърифат маҳалласида уй қуришга бўлган “Олтириқ фазиз” ниятидан қайтмоқчи эмас. “Мен тендерда қатнашиб, қолиб чиққанман. Нима бўлганда ҳам ўйни қуриб оламан”, деб туриб олибди. Уни тушунса бўлади:

шаҳар марказидаги ер — қиммат, бу ерда қурилган уйлардаги хонадонларни сотиш анча осон кечади. Лекин мавжуд кўп қаватли уйлар орасида барпо этиладиган уйда яшашни хоҳловчилар кўп бўлмас керак. Чунки мақбул ҳаёт шарт-шароитлари, яъни умумий ҳовлининг қўқаламзор, обод эканлиги, болалар майдончаси, автомобиль тўхташ жойининг борлиги хонадон танлашда бош мезон бўлиб ҳисобланади. Зичлаштириб қуриш эса яхши ҳаёт шарт-шароитларнинг ёмонлашуви олиб келади, хусусан, машинада ҳаракатланишда қийинчилик туғдиради.

Шуни тан олиш керакки, кўп қаватли уйлар ўртасида қатта жой бўлган мавзелар ҳам бор. Масалан, А.Қодирий номли мавзе. Уша ерларда янги иморатлар барпо этса бўлади, лекин тадбиркорлар марказни афзал кўрадилар. Сабаби эса маълум.

Нима бўлганда ҳам, уй-жойни лойиҳалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига кўра, қурилиш ва санитария қондалари, меъёрларига риоя этиш мажбурий. Кодексда, жумладан, уй-жой иморатлари орасидаги масофа белгиланиб, инсоляция, шамоллатиш, болалар ва спорт майдончалари, дам олиш жойлари назарда тутилган. Ҳатто умумий ҳовлининг унда истикомат қилувчи ҳар бир шахсга қанча квадрат метри тўғри келиши ҳисоблаб чиқилган. Агар тегишли мансабдор шахслар, лойиҳачи ва қурувчилар томонидан бу ва бошқа талабларга амал қилинганда эди, фуқароларнинг тинчлиги бузилмас эди. Ҳаёт шарт-шароитларининг ёмонлашувидан, соғлом атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилганларидан норози бўлмасдилар.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг топшириғига биноан, Фарғонада зичлаштириб қурила бошланган биналарни барпо этиш тўхтатиб қўйилди. Қурилишларнинг қонунийлигини ўрганиш шаҳар ҳокими ва прокурори зиммасига юкланди.

Тамара ТОШМАТОВА.

Давра суҳбатини "Фарғона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири Муҳаммадҷон ОБИДОВ олиб борди.



Курраи заминимиздаги сувларнинг 2,5 фоизидан ортиғи фойдаланишга яроқли чучук сувдир, унинг 79 фоизи абдий музликларга, 20 фоизи ер ости сувларига, атиги 1 фоизи дарё ва кўллarga тўғри келади.

Президентимиз қарориде истеъмолга ва суғоришга яроқли сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, кишлоқ хўжалиғи экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари самарадорлигини ошириш механизми аниқ белгилаб берилган.

Вилоятда сув тақчиллиғи хавфини камайтириш ва қарор ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар режалаштирилган? Саволларга дастлаб Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Алибек ТУРСУНОВ жавоб берди.



— Тўғри таъкидладингиз, — деди вилоят ҳокими ўринбосари. — Дунё аҳолисининг кўпайиб бораётгани, сув истеъмолига эҳтиёжнинг ортиши сувдан, айниқса, кишлоқ хўжалиғида фойдаланишда янги технологиялар, инновацион лойиҳаларни қўллашни тақозо этмоқда.

Ҳеч кимга сир эмас, соҳада шароит, қулайлик бўлсагина, мўл ҳосил етиштириш мумкин. Дехқончиликда шароит деганда, энг аввало, кафолатланган сув билан таъминланиш тушунади. Сув тақчиллиғи сезилиб бораётган бугунги кунда ҳар қарч ердан, ҳар томчи сувдан унумли фойдаланиш эвазига бир йилда камида икки-уч марта ҳосил етиштириш, кўпроқ ҳосилдорликка эришиш учун замонавий технологияларнинг ўрни сезилиб қолмоқда.

Президентимиз томонидан кишлоқ хўжалиғида сувни тежайдиган технологияларни янада кенг жорий этиш учун хўжалиқларга, интенсив боғ эгаларига, томорқачиларга қатор қулайликлар, имтиёзлар яратилган, банк кредитлари, давлат бюджетидан субсидиялар ажратилмоқда.

Жорий йил вилеятимизда 45 минг гектарга яқин майдонга сувни тежайдиган технологияларни татбиқ этиш режалаштирилган. Бу фермер хўжалиқлари ерларининг 40 фоизини ташкил қилади.

Экин агротехникаси пайтида сува бўлган талаб ортади. Суғориш учун қулай шароитга эга дехқонлар ҳосилни сувага қондириб олиши мумкин. Бироқ кўп хўжалиқлар ёки томорқа эгалари сувнинг тақчиллиғи боис ҳосилдорликни йўқотди, қўзлаган мақсадга ета олмади, даромади камаяди. Бу каби муаммоларга барҳам бериш учун ал-

батта замонавий технологияларни қўллашимиз талаб этилади. Бу борада фермер хўжалиқлари ва аҳоли ўртасида тарғибот, тушунтириш ишлари олиб борилаётгани, "маҳаллабай", "хондонбай" ишлаш тизимининг изчил йўлга қўйилгани ўз самарасини берапти.

Тежалган сувни сақлаш хавзалари яратилди, улардан такорий экинларни суғоришда фойдаланса бўлади? — деган савол туғилиши мумкин. Дехқончиликмизда сув билан таъминланишнинг ўрта манбаси бор. Ундан биринчиси, доимий ирригация тармоқларидан келадиган, иккинчиси, дренажлар орқали ер остидан олинган ҳамда зовурлардаги ташланма сувлардан қўшимча манба сифатида фойдаланилади. Тежовчи иншоотларнинг жорий этилиши

гектарга етказишни режалаштирдик.

Талабгор фермер хўжалиғи ёки томорқачи сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун кимга мурожаат қилиши керак? Вилеятимизда шундай замонавий технологияларни ишлаб чиқарадиган корхона борми?

Алломжон Фозилов сўзини давом эттириб, ҳозирги кунда 20 дан ортиқ корхоналар, шу жумладан, вилеятимизда 2 та субъект шундай технологиялар ишлаб чиқараётганини айтиб ўтди. Талабдорлар ҳар бир туманда кишлоқ хўжалиғи бўлиmlари бошлиқлари раҳбарлиғида ташкил этилган махсус штабларга ёки тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчиларга мурожаат қилишлари мумкин.

— Ҳақиқатан ҳам сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш

ларини текислаш ҳисобига сув сарфини камайтириш бўйича биттадан намунавий лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Бу жараёнда ҳар бир гектар ер учун 1 миллиондан субсидия ажратилади. Бундан ташқари, агар сув тежовчи, томчилатиб суғорувчи технологиялар жорий қилинса, лазерли қурилмада ер текисланадиган бўлса, қўшимча субсидия берилади.

Субсидиялар ҳақида фикр билдирилган экан, суҳбатга яна "Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Алломжон ФОЗИЛОВ қўшилди.

— Президентимиз қарориде замонавий сув тежовчи технологияларни жорий этувчиларга катта имтиёзлар қўлланилган. Утган 2019-2020 йилларда 1 гектар пахта майдонига томчилатиб

қайд этиб ўтди. Чунки ҳар бир ҳужжат мазмун-моҳияти замирида ҳалқ манфаати мавжуд. Прокуратура органлари ходимлари ҳам Президентимизнинг кишлоқ хўжалиғида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш юзасидан қабул қилган қарори мазмун-мақсадини пахтачилик, фалласабзавотчилик, боғдорчилик фермер хўжалиқлари аъзолари ҳамда томорқачи аҳоли вакилларига уярашувлар, семинарлар орқали тушунтириб боришмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойили асосида фаолият олиб борилаётгани ижобий самарасини бермоқда. Демак, бугун ҳуқуқтартибот органлари ходимлари ҳам ижрочи, ташкилотчи,

Мисолларга тўхталадиган бўлсак, Қува туманида томчилаб суғориш технологиясини жорий қилиб, гилосчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича, Қувасой шаҳрида гилоснинг экспорт турларини етиштириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган.

Сувни тежовчи технологияларнинг афзаллиғи нимада, деган саволга Фарғона туманидаги "Чимён шуҳрати" фермер хўжалиғи раҳбари Шавкат ҚАЮМОВ ўз тажрибаси



— Қўштепа туманида фаолият олиб бораётган "Фергана глобал текстил" кластери Марказий Фарғона чўл худудидаги унумдорлиғи паст ерларни танлаб олиб, Исроилининг "Нетафрин" корхонаси билан томчилатиб суғориш тизимини жорий этди. Бугунги кунда 213 гектар майдонда инновацион лойиҳани қўллаш жадал олиб боришмоқда. Асосий мақсад — гектардан атиги 20 центнергача пахта ҳосили олинган майдонларда ҳосилдорликни ўртача 50 центнерга етказиш. Аҳамиятлиси, Андижон кишлоқ хўжалиғи ва агротехнологиялар ҳамда Тошкент ирригация ва мелiorация институтларини битириб келган йигит-қизларнинг 10 нафари амалий тажрибига эга мутахассисларга бириктириб қўйилди. Келажакда янги ердамида янги технологияларни 2000-3000 гектарга жорий қилиш қўзланган.

Нодиржон Раҳмонов қумликлардан иборат "Солжикобод" зонасида 20 центнер ҳосил олиш учун 1 гектар ерга солинадиган минерал ўғит миқдори, ерларни культивация қилиш, ёқилги, сув, ишчи кучи сарфи умумлашмасида рентабеллик жуда паст бўлишини, томчилатиб суғоришни жорий қилиш натижасида эса фермер хўжалиғи катта даромад олишини

СУВНИ ТЕЖАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ НИМА БЕРАДИ?

"Фарғона ҳақиқати" - "Ферганская правда" газеталари бирлашган тахририятида ташкил этилган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди



Иқтисодий самарадорлик кўп жиҳатдан кишлоқ хўжалиғи экинларига сарфланадиган сувдан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишга боғлиқ. Бирок, бугун дунёда бўлгани каби республикамизда сув тақчиллиғи сувдан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам тежамкор технологияларга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрда қабул қилинган "Кишлоқ хўжалиғида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, кишлоқ хўжалиғида тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, суғориладиган май-

донларни сув билан барқарор таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиғи натижасида ўтган йилнинг ўзиде республикамизда қўшимча 133 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Давра суҳбатиде қарор мазмун-моҳияти, белгиланган асосий вазифалардан келиб чиқиб, унинг Фарғона вилоятидаги ижроси доирасида фикрлар билдирилди. Соҳа мутахассислари, кластерлар ва фермер хўжалиқлари раҳбарлари ўз тажрибалари асосида кишлоқ хўжалиғида сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланишнинг афзаллиғи, эришилган ижобий натижалар ҳақида тўхталиб ўтишди.

сув йиғадиган хавзаларни ташкил этишни тақозо этади. Бу борада соҳа мутахассислари билан бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган, кафолатланган сув манбасига эга бўлиш имкониятлари доимий ўрганилиб бориляпти.

Давра суҳбатини давом эттирган "Сирдарё - Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўлим бошлиғи Алломжон ФОЗИЛОВнинг



таъкидлашча, республикамиз бўйича кишлоқ хўжалиғи ва иқтисодий тармоқларида ишлатилаётган сувнинг 80 фоизи қўшни республикалардан оқиб келади. Бу кўрсаткич Фарғона вилоятида деярли 98 фоизни ташкил этади. Яъни, вилеятимизни сув билан таъминловчи асосий иншоотлар — Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона канали, Катта Андижон канали, Исфайрамсой, Шохимардонсой, Сўх дарёлари манбаи Қирғизистон худудидан оқиб келади. Маълумотларга кўра, Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидаги музликлар қисқариб бормоқда. Демак, тақчиллик йилдан-йилга сезилиб бораверади. Шунинг учун кишлоқ хўжалиғида тежамкор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш табиат неъматидан самарали ва тежаб фойдаланишнинг оқилона йўлидир.

2021 йилда янги технологияларни жорий қилувчи талабгорларга 1,5 триллион сўм субсидия ажратилади. Айтиб ўтилганидек, фермерлар ва ердан фойдаланувчилар ўртасида олиб бориладиган ташкилоти янги технологияларни яна бир муҳим жиҳатида тўхталиб ўтди. Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олинган ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи давлат бюджетидан қоплаб берилиши қайд этилган. Албатта, сув сарфини тежаш, юқори ҳосилдорликка эришишда ернинг текислиғи муҳим аҳамиятга эга. Қарорда ҳар бир худудда лазерли ускуна ёрдамида экин майдон-

суғориш жорий этилса, балл бонитетдан келиб чиқиб, субсидия қиймати белгиланган. Энди балл бонитети олиб ташланиб, сув тежовчи технологияни қўллаган талабгорларга 1 гектари ер учун 8 миллион сўмдан ажратилади. Шу билан бирга, насос станцияси, автоматлаштирилган филтёр, сувнинг ҳисоб-китобини ўлчаш мосламаси ўрнатилгани, пахталар ўртасига қўйиладиган ленталар қалинлиғи каби жиҳатлардан келиб чиқиб, сифатлилик коэффициенти қўлланилади. Натижада 11 миллион сўмгача давлат субсидияси олиш имконияти вужудга келади. Бундан ташқари, авваллари бир гектар боғ учун 6 миллион сўмдан субсидия берилган бўлса, энди 8 миллион сўм этиб белгиланди. Янги технологиялар амалиётда сифатли бажарилса, коэффициент қўлланилади. Шунингдек, қарор билан фермер хўжалиқлари 5 йил муддатга ер солиғидан озод қилинади, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган ер майдонлари камида 5 йил мақбуллаштирилмайди.



— Бу замонавий технологияларнинг бир неча турлари бор. Биринчиси, томчилатиб, иккинчиси, ёмғирлатиб суғоришдир. Бундан ташқари, кент қамровли, яъни ҳам томчилатиб, ҳам ёмғирлатиб, ҳам дискретли суғориш технологияси мавжуд. Бу инновацион технология пулсар усулидир. Қудуқлар орқали ер остидан тортиб олинаётган сувни, ҳам электр энергиясини тежаш учун пулсар усули қўлланилади. Бу жараёнда қудуқдан чиқаётган сув ариққа туширилмасдан полиэтилен қувурлар орқали тўғридан-тўғри экин майдонига олиб борилади.

Қолаверса, ҳозирда маълум бир худудларда экинларни ер остидан суғориш усули синаб қўриляпти. Экинларга томридан керакли миқдорда намлик бериш ҳам замонавий технология сирасига қиради. Мазкур технологиялар рисоладагидек жорий этилса, сувни тежайдиган технологияларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган субсидия миқдорини ошириш имконияти мавжуд.

Позициялар Расуллов қарорининг яна бир муҳим жиҳатида тўхталиб ўтди. Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олинган ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи давлат бюджетидан қоплаб берилиши қайд этилган.



Зиммасига қабул қилинаётган қарор ва фармонлар талабини нафақат назорат қилиш, балки уларнинг ижросида бевосита иш-корчи эши ҳам юклатилганини

ҳам назоратчи бўлиб хизмат қилишмоқда.

Вилоят насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Аброр ХОЛИҚОВ давра суҳбатиде вилеятимиздаги суғориш қудуқлари, уларни юритиш учун сарфланадиган



электр энергияси, янги суғориш технологияларини жорий қилиш орқали эришиладиган иқтисодий курсаткичлар ҳақида маълумот бериб ўтди.

Вилеятимиздаги мавжуд 2174 та қудуқларнинг 900 таси орқали кишлоқ хўжалиғи экинлари суғорилади. Улар 30 000 гектар ерни қамраб олган. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар ерни суғориш учун 1000 метр³ сув керак бўлади. Ботирма насослар билан шунча миқдордаги сувни тортиб олиш учун 8 соат мобайнида 260 киловатт электр энергияси сарфланади. Агар суғориш технологияси жорий қилинадиган бўлса, 1 гектарга 360 метр³ сув кетади. Томчилатиб суғориш учун эса атиги 96 киловатт электр энергияси сарфланади.

Томчилатиб суғоришда босим ҳосил қилиш учун яна 22 киловаттлик электродвигател ишлатилади. Бунда 3 соат ичида ховуздаги сувни чиқариб юбориш учун 66 киловатт, жами 162 киловатт электр энергия сарфланади. Қўриниб турибдики, бир гектар ерни суғоришда 94 киловатт электр энергияси иқтисод бўляпти. Бу 43000 сўм дегани.

Давра суҳбатиде Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Алибек Турсунов янги қудуқлар қазии борасида 2021 йил учун режалаштирилган лойиҳаларга ҳам тўхтади. 2020 йилда вилеятимизда 8700 гектар самарасиз ерлар экин майдонларига қўшилди. Қолаверса, 10 нингта экин ишчи ўрни яратилмоқда, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжни қўшимча 20 фоизга қоплашга замин яратилмоқда. Пандемия шароитига қарамай 130 дан ортиқ сув қудуқлари қазилди. Жорий йилда 33 087 гектар фойдаланилмаётган ерлар бўйича 700 дан ортиқ лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бунинг учун қарий 480 миллиард сўм миқдориде сув иншоотлари, сув ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, қудуқ қазии режалаштирилган.

Барча лойиҳалар учун 320 миллиард сўм субсидия, 120 миллиард сўм маблағ давлат томонидан ажратилмоқда.

си асосида жавоб берди. Унинг таъкидлашча, 2019 йилда фермер хўжалиғининг 20 гектар майдонига томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди. 1 гектар майдонга 16 миллион сўм харажат қилинган бўлса, унинг 8 миллион сўми давлат субсидияси орқали қопланди. Олинган 320 миллион сўм банк кредитининг 160 миллион сўми ҳам давлат томонидан ажратилди, 24 фоизлик кредитининг 10 фоизи Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фонди маблағи ҳисобига қопланди.

Кутилганидан бир неча баробар кўп ҳосил олинди. Аввалги йилларда пахта ни суғоришга 40-43 кун сарфланган бўлса, томчилатиб суғориш жорий қилингандан сўнг 4-5 кунда суғориш жараёни аяқунланди. Сувни тенг тақсимлашга эришилди. Утган йили яна 22 гектар майдонга ёмғирлатиб суғориш жорий қилинди.

Шундай самарадорликка Риштон туманидаги "Замин мавзунини" фермер хўжалиғи ҳам эришди. Хўжалик раҳбари Улўбек ТОҲИРОВ сўзларига



қараганда, 20 гектар майдонга қўлланилган янги технология кўчатларни бир вақтнинг ўзиде суғориш имконини берди. Бу майдонда аввал ҳафталаб суғорилган, янги усул ёрдамида 24 соатда тўлиқ суғоришга эришилди. Биринчи теримнинг ўзиде гектардан 42 центнер ҳосил олинди. Ҳосилдорлик ошди. Энг асосийси, вақт, маблағ, ишчи кучи тежалди. Даромад сезиларли даражада ошди.

"Фергана глобал текстил" кластери катта мақсадларни қўлаб кишлоқ хўжалиғида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга киришган. Кластер мутахассиси Нодиржон РАҲМОНОВнинг давра



суҳбатидеги фикрлари эътиборга молик.

аниқ мисоллар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиб берди.

"Сирдарё - Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўлим бошлиғи Алломжон Фозилов кишлоқ-қувватлади. Экинларни суғоришда янги технологияларни жорий қилиш фақат сувни тежаш дегани эмас, балки ёқилги-мойлаш маҳсулотлари, меҳнат ресурси, минерал ўғитлар иқтисод қилинади. Ҳосил сифати яхшиланади, ҳосилдорлик ортади.

Шу билан бирга, давра суҳбатиде иштирокчилар халқроқ экспертлар хулосасини келтириб ўтишди. Унга кўра, 2030 йилга бориб Ўзбекистон энг сув танқис бўлган 50 та давлатлар қаторига кирилади. Бу ҳозирги мавжуд сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш қанчалик муҳимлигини қўрсатади.

Таъкидланганидек, мутахассислар ёрдамида вилеятимизда 44 000 гектардан ортиқ майдоннинг ер, ҳаво, сув, иқлим шароитлари ўрганилиб, томчилатиб ёки ёмғирлатиб суғориш бўйича аниқ ҳисоб-китоблар белгиланган. Жумладан, 25 000 гектар майдонга ёмғирлатиб суғориш жорий этилади. Афсуски, айрим фермер хўжалиқлари томонидан суғориш маданиятига эътибор қаратилмаяпти.

Кишлоқ хўжалиғида сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этиш меҳнат ресурсларининг камийишига, ишчилар сонининг ортишига олиб келмайдими, деган ижтимоий аҳамиятга эга савол туғилади. Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Алибек Турсуновнинг фикр билдиришича, сувни тежовчи технологияларни жорий этиш экинларни суғоришнинг инновацион усули.

Шунинг учун кишлоқ хўжалиғида сувчи, механизатор кучига эҳтиёж қолмайди деган ўйда бир томонда аввал ҳафталаб суғорилган, янги усул ёрдамида 24 соатда тўлиқ суғоришга эришилди. Биринчи теримнинг ўзиде гектардан 42 центнер ҳосил олинди. Ҳосилдорлик ошди. Энг асосийси, вақт, маблағ, ишчи кучи тежалди. Даромад сезиларли даражада ошди.

"Фергана глобал текстил" кластери катта мақсадларни қўлаб кишлоқ хўжалиғида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга киришган. Кластер мутахассиси Нодиржон РАҲМОНОВнинг давра

Давра суҳбатини Рустам ОРИПОВ ёзиб олди. Шерзод ҚОРАБЕВ олган суратлар.



Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар марказида тахсил олган уч нафар ёшлар – Иззатилло Исмоилов, Мирзараҳмат Тожибоев ва Шаҳзод Йигиталиевлар меморандум доирасида Майдзуру шаҳридаги политехника коллежига ўқишга қабул қилинди. Кунчиқар юрт вакиллари шартномага асосан риштонлик ёшларнинг ҳар бирига 21 минг 500 доллар миқдорда (жами 64 минг 500 доллар) маблағни тўлаб беришади.

РИШТОНЛИК ЁШЛАР



ЎҚИШ УЧУН ГРАНТГА ЭГА БЎЛИШДИ



Риштон — Япония маданий иқтисодий алоқалар марказида Майдзуру шаҳри мэри Рёзо Тамати ва Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиевлар иштирокида видеоконференция бўлиб ўтди. Унда Риштон — Япония маданий иқтисодий алоқалар маркази директори Фанишер Назиров, ўқишга қабул қилинган ёшлар ҳам қатнашди. Конференцияда сўзга чиққан Майдзуру шаҳри мэри Рёзо Тамати Узаро ҳамкорликдан мамнун эканлигини баён этди. — Риштон тумани би-

лан дўстлик ришталарини боғлаганимиздан бехад хурсандимиз, — дейди у. — Майдзуру шаҳридаги энг нуфузли таълим даргоҳида ўқишга йўлланма олган йигитларимизни чин юракдан табриқлайман. Риштон туманидаги Риштон — Япония маданий иқтисодий алоқалар маркази "Норрико Гаккию" тўғрисида фаолият юритаётган бўлиб, 1998 йилдан то бугунги кунга қадар 3000 нафарга яқин ёшларга япониялик кўнгилли ўқитувчилар томонидан беминнат ўқитиш тили ва маданиятини ўргатиб келмоқда. Марказда тахсил олган 160 нафардан ортиқ ёшлар Япо-

ниядаги олий ўқув юртрага ўқишга қабул қилинган. Айни дамда ушбу марказнинг 100 нафар ортиқ тарбияланувчилари кунчиқар юрта тури соҳаларда фаолият юритиб келаётганини айтиб ўтиш жоиз. Конференцияда Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Мухсинхўжа Абдурахмонов қатнашди. Конференция якунида Майдзуру шаҳри мэри Рёзо Тамати ва Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиевнинг шартнома имзолаш маросими ўтказилди.

Аброр
ДЕҲҚОНОВ.



Мухлис МИНБАРИ

Ўтган асрнинг 60-70-йиллари. Чархий домланинг шеърига жон бахш этган бастакор, соҳирнафас хофиз Назиржон Назаров ижросидаги "Аста қиёлаб ўтди", "Ватан", "Эй тонгги сабо", "Дилнавоз", "Онажоним", "Моҳтоб", "Ойжамолим", "Сўрмагин" каби кўплаб кўшиқлари санъат ихлосмандлари кўнглидан мустаҳкам жой олган.



Тонг чоғи сарвинозим аста қиёлаб ўтди...

Ушай пайтлардаги ижодкорлар яратган куй-кўшиқлар тингловчиларда ўзгача таассурот, санъатга, санъаткорга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотарди. Бу кўшиқлар 50-60 йил аввал яратилган бўлса-да, хануз дилларга ором бағишлайди. Бунинг асосий сирини, назаримда, ижод маҳсулини ҳақиқий мутахассис, қалби-ю онги миллий руҳият билан сугорилган санъаткорлар яратганида. Президентимизнинг миллий мақом санъатида катта эътибор қаратганлари замирида ҳам ана шу соғинч, миллий санъатимизга ҳурмат-эҳтиром мужассам. Аслида, мақом санъати бутунлай ўзгача сирли олам. Буни ҳамма ҳам тушунавермайди. Илмий иш билан шугулланаётган кезларим бу санъатни озми-кўпми ўқиш-ўрганишимга тўғри келган. Мен санъаткор эмасман, лекин филолог олим сифати-

да буюк хофизлар, устоз ижодкорлар мероси сифатида қадрланиши зарур бетакорор санъатимиз хусусида ўз фикрларимни билдирмоқдаман. Фарғона – азалдан машҳур санъаткорлар диёри. 2019 йили Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаровнинг ҳисобот концертида юқорида номи тилга олинган санъаткор Назиржон Назаров кўшиқ куйлаганда бутун зал оёққа туриб олқиланган эди. Бугунги кунда 82 баҳорни қаршилаган хофиз шоғирдиннинг концертида худди аввалгидек жарангдор ва ширали хонишлар килди, биз унинг ёшлигини кўргандек бўлдик. Кўҳна санъатга, санъаткорларга рағбат кўрсатиш соҳанинг гуллаб-яшнашига, ёш авлод онгида эҳтиром, қизиқиш пайдо бўлишига замин яратди.

Эгамберди ИМОМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Ўқидингизми?



"ЎЗБЕКИСТОН" ЎЙИНГОҲИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Япониянинг "Турон" жамоаси бу йил футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг Суперлигасида иштирок этади.

Клуб уй ўйинларини ўтказадиган "Ўзбекистон" ўйингоҳи ФИФА талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. "Яйпан овози" газетасининг ёзишича, ўйингоҳ майдони стандартга мосланмоқда, ўриндиқлар сони кўпайтирилди. Замонавий электрон табло, ёритиш чироклари ўрнатилиши ишлари қизғин кетмоқда.

Жамоа таркибини мустаҳкамлаш мақсадида сербиялик ярим ҳимоячи Синиша Бабић билан келишувга эришилган.



"СУНЪИЙ ТЎСИҚ КИМГА ФЙДА КЕЛТИРАДИ?"

"Марказий Фарғона" газетасида чоп этилган мақолага шундай сарлавҳа қўйилган.

Пухтачилик, галлачиликка ихтисослашган хўжаликлар "My insurance" сугурта компаниясига ихтиёрий-мажбурий равишда 4 фоизли сугурта бадали тўламаса, 2021 йил галла етиштиришга олинмаган имтиёзли кредит ресурслари ажратмаслик ҳолатлари учрамоқда. Бошқа сугурта компанияси полиси "Агробанк" томонидан инobatга олинмапти. Бу фермерлар эътирозига сабаб бўлмоқда, деб ёздаи Езёвон тумани Тадбиркорлар жамоатчилиги кенгаши раиси У.Турдиев.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛГА ЖАВОБ БОР

Нима учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда мустақил фаолият юритадиган котибати ташкил этилди?

Бу савол кўпчиликини қизиқтириши шубҳасиз. Қўштепа туманининг "Истикбол йўли" газетаси "Қоғоз эмас, натижа муҳим" сарлавҳали мақолада мазкур мустақил тузилмани ташкил этишдан мақсад ва унинг вазифаларини туман ҳокимлиги масъул ходими жавоби асосида ёритган.



ҚАЙСИ ЭКИН ҚАЧОН ЭКИЛАДИ?

Остонада баҳор фасли. Экин-тикин мавсуми бошланиши арафасида. Баъзи миришқор деҳқонлар эса аллақачон ерга уруғ қадашди.

Лекин қайси қишлоқ хўжалиги экинчи-ни қачон экиннинг вақти-соати бор. Кимдир бунга билади, биров билмайди. "Фермер ва томорқачи" газетасининг 2-сонида сабзавот, полиз ва меваги дарахлар қўчатларининг экиш муддатлари, уларнинг агротехникаси эълон қилинган бўлиб, танишиб чиқсангиз, томорқачиликда жуда асқотади.




ХУВАЙДА МОМО ТОҒАСИНИНГ РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАМОҚЧИ

"Отам 101, аммам 125, тоғам 130 йил умр кўрган. Мен уни янгиламоқчиман". Бувайдалик 126 ёшли Хувайда момонинг гапларини келтирган "Табиат кўзгуси" газетаси.

Уч асрни кўрган момонинг 7 фарзанди, 32 невараси, 70 эвараси, 67 чевараси борлигини ўқир экансиз, дилнингизга "Хар кимга ҳам шундай бахт берсин" деган ўй келади.

Рустам ОРИПОВ.



Сартарошхоналарда КИТОБ БУРЧАГИ БЎЛСА...

Маҳалламиздан унча узоқ бўлмаган сартарошхонага бордим. Тўланбой сартарош ўз касбининг устаси бўлиб кетган. Дўконидан миқозларнинг қатори узилмайди.

Якшанба кунни эди. Навбат кўпчилигидан икки ярим соатлар чанаси кутишимга тўғри келди. Навбатим келгач, уста сочимни калталатаётиб, бир таклифни айтди. — Интернетда ўқиб қолдим, — деди у. — Ҳиндистонлик бир сартарош дўконига китоб бурчагини ташкил этибди. Миқозлар навбати келгунча китоб мутолаа қилишар экан. Энг ибратлиси, китоб ўқиган миқозга хизмат ҳақидан 30 фоиз чегирма қиларкан. Ака, 20-30 та китоб сотиб олсам, маҳаллий газеталарга обуна бўлсам, дўконимда китоб бурчаги

ташкил қилсам, деб ўйлаб турибман. Мен ҳам 30 фоизли чегирма қилардим. Эътибор берган бўлсангиз, миқозларимнинг деярли барчаси телефонини "титилаб ўтиради".

Сартарош укамнинг гаплари, ростки, мени хайратга солди. Ҳам қувондим. Таклифини қўллаб-қувватладим. Фақат гап бўлиб қолмаслиги учун унинг таклифини "Фарғона ҳақиқати" газетаси орқали кўпчилиikka етказишга қарор қилдим.

Чекка бир қишлоқдаги оддий сартарошнинг миқозларига зиё улашмоқчи эканлиги савобли иш эмасми? Дostonбек ХОЛМАТОВ.

ТАХРИРИЯТДАН: ҳақиқатан ҳам, сартарошхоналарда, гўзаллик салонларида моҳир усталарнинг навбат кутиб ўтирган миқозларига кўзимиз тушади. Уларнинг қўлларидан телефон, ижтимоий тармоқлардан кўз узилмайди. Агар сартарошхона каби маиший хизмат масканлари ёки дўконларида китоб бурчаги бўлса, миқозлар қўлига китоб, газета-журнал олишига ишончимиз қомил. Ижодий ходимларимиз эзгу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, таклиф билдирган сартарош укамизга бир даста китоблар совғасини тайёрлаб қўйишди. Келгуси ойдан бошлаб "Фарғона ҳақиқати" газетасини ҳам йил давомида олади.



Сўраган эдингиз

Ташқи реклама бозорига талаблар белгиланди

Ташқи рекламани ўрнатиш тартиб-қоидалари қандай? У.ЮНУСОВ, Фарғона шаҳри.

Вазирлар Маъқамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сонли "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори билан реклама фаолияти соҳасида талаблар белгиланди.

Унда ташқи реклама объектларини куриш тартиби ва унга бериладиган ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар рўйхатини шакллантириш, куриш ҳуқуқини электрон аукцион орқали бериш, тўловлар миқдорини аниқлаш тартиблари тўғрисидаги низом ва ҳавфсизлигининг умумий техник регламенти 5 та илова асосида тасдиқланди. Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш учун тузилган шартномалар, берилган паспортлар, гувоҳномалар, сертификатлар, рухсатномалар ва ҳуқуқни белгилувчи бошқа ҳужжатларнинг амал қилиши ер участкаларига ташқи реклама объектлари учун – 10 йил муддатга, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардаги ташқи реклама объектларига 5 йил муддатга узайтирилди. Давлат хизматлари марказла-

ри орқали муддати узайтирилган реклама жойлари паспортларини бериш йўлга қўйилди. Тўлов бир марталик йиғим суммасини тўлаш орқали амалга оширилиб, бир йил давомида ҳар ой тенг тақсимланган ҳолда туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетига ўтказилади. Видео экранли ташқи рекламани ташқи реклама объектлари учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белги-ланадиган йиғим миқдорига 0,5 коэффициент қўлланилиши белгиланди. Қалбакилаштирилган

ҳужжатлардан фойдаланганлик, шунингдек, тегишли ваколатли органнинг қарорисиз ўрнатилган ташқи реклама объектлари бўйича ҳужжатларнинг муддати узайтирилмади ва улар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Барча ташқи реклама объектларини мазкур қарор талабларига мослаштириш учун олти ой муддат белгиланган. Мослаштирилмаган реклама объектлари эгалари томонидан ихтиёрий равишда ўз кучи билан олиб ташланиши ҳамда ер майдони тартибга келтирилиши

керак. Акс ҳолда қурилмалар суд тартибида тегишли ҳокимлик томонидан демонтаж қилиниб, барча харажатлар реклама объектлари эгаларидан ундирилади. Биринчи даражали марказий кўчаларда фақат видео экранли ва иккинчи даражали қатнов кўчаларида эса аралаш турдаги, юқори технологияли ташқи реклама объектлари жойлаштирилиши белгилаб берилди. Г.ИБРАГИМОВА, "Мадад" НТТ Қувасой шаҳар ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси.

<p>МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ</p>	<p>Бош муҳаррир: Мухаммаджон ОБИДОВ</p>	<p>Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p>	<p>Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темуր кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.</p>
		<p>Газета тахририятга юборилган кўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.</p>	<p>Босишга топшириш вақти: 20.00. Топшириш: 20.00.</p>	<p>Буюртма: 120 Индекс: 7521 Алади: 11 069</p>

